

МАШРАБ БОБОЕВ



БАҲОР КАЙФИЯТИ

ШЕЪРЛАР

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ БА САЊАТ НАШРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1974**

Бобоев М.

Баҳор кайфияти. Шеърлар. Т.,

Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

80 б.

Машраб Бобоев 1941 йилда Самарқандда туғилган. У олий маълумотни Ташкент театр ва рассомлик институтида олган. Унинг шеър, ҳикоя ва таржималари 1965 йилдан республика матбуотида мунтазам нашр этилиб турипти. «Ёш гвардия» нашриёти 1971 йилда шоирнинг «Онамга хат» китобини чоп этди.

«Баҳор кайфияти» — Машраб Бобоевнинг иккинчи китобидир.

Машраб Бобоев шеърларида ўйланаётган, изланаётган юракнинг садоларини, гоҳ кузнинг шамолини, гоҳ баҳор кайфиятини тинглаймиз, ҳис қиламиз. Бу бахтли ва ташвишли дунёда яшаётган замондошимиз суратини рангин лавҳаларда кўрамиз, унинг узоқ хаёллари билан бирга бўламиз.

Бабаев М. Весеннее настроение.

7-1-3-57

Уз2

Б—М—352—06—74 23—74

* *
* *

Кўча кезар эдим баҳор оқшомида,
Қайга боришимни билмасдим ҳатто.
Кенг,

равон кўчанинг икки ёнида
Парпирарди чироқлар қатор.
Чироқлар чорларди мени галма-гал:

«Кел,
йўлинг ёритай,
тўкай нуримни...»

Чироқлар ортимда қолди бир маҳал,
Қоронғу мўюлиш томон бурилдим.
Тўхтадим:

«Чироқлар, қайда қолдингиз?!»
Сукунат қайтарди улар жавобини:
«Етар бизнинг шунча ёритганимиз,
Ўзинг ёрит давомини...»



Бир парча ер етади одамга.
Аmmo етмас унга бир парча осмон.
Унинг ўзи сизмагай оламга,
Муштдай юрагига сизга ҳам жаҳон.

Осмон бўлса унга,
Шундай бир осмон —
Уфқлардан нари ўтиб кетган бўлса,
Унинг кулгисини сиздиролмасдан
Тўлғона-тўлғона чок-чок сўкилса.

Осмон бўлса унга,
Шундай бир осмон —
Орзуси сизгари беғубор, ложувард.
Юксак бўлса шайдо қалбисмон,
Барча тубан туйгулардан юксак.

Осмон бўлса унга,
Шундай бир осмон —

Из қолдирса ҳамки фазокор қадами,
Дуд изи қолмаса ҳеч қачон,
На тўпларнинг дуди,
Ва на одамнинг.

Шу осмон остида деҳқончилик қилса,
Вўзасин суғорса соқин тунларда.
Уйига дўстлари қўноқ бўлиб келса —
Бор-йўғини берса уларга.

Чўллар уйқусини бузса у бориб,
Унинг уйқусини ҳеч ким бузмаса.
Ариқлар бўйида ўсса қўзиқорин,
Шаҳарлар устида ўсмаса.

Яқиндами, йироқдами, қайлардадир...
Қимдир суйиб юрса, соғинса уни.
Байроқлардай ёнса малазор адир,
Байроқларда акс этса эртаги куни.

Қўз қамашса ранглар жозибасидан,
Ранглар юракларга сололмаса кек.
Ўз бахтига ўзи бўлса эга,
Армон босиб турмаса елкадан.
Қолмаса биронта ташнаман деган:
Сувга ҳам,
Қонга ҳам,

Ҳақиқат,
Эрка ҳам...

Урта ҳисоб билан унга шулар керак,
Урта ҳисоб билан шулар бўлса бас.
Уша туйғуларда ураркан юрак,
Бир парча осмонга, қар ҳолда, сиғмас.

АНЖЕЛА ДЭВИС

«Мен турмадан озод бўлганим билан ўзини озодман деб ҳис этолмайман. Халқим озодликка эришмагунча мен тутқун бўлиб қолавераман».

Анжела Дэвиснинг журналистларга айтган гапи

Анжела Дэвис,
Менинг синглим.
(Рангимизга қаранг ишонмасангиз!)
Менинг ҳаётимга нур бўлиб сингдинг.
Эрк байроғи бўлиб қилпираган кез.

Менинг уйим — хотиним, болам, китобим,
Сеники — бир кулба — қоронғу, бекас.
Сенинг изтиробинг — менинг изтиробим,
Менинг бахтим — сенинг бахтинг эмас.

Анжела Дэвис,
Менинг синглим,
Ўз эркини эрк деб танимаган,
Сенинг таърифингга ожиздир тилим,
Мен сенга топинаман.

Сен сукунат эмас зулматга маҳкум,
Уйғоқ ҳайқирмаган, янгроқсан.

Сенга талпинади миллионлар ҳар кун,
Сен — эрк деган байроқсан!

Анжела Дэвис,
Менинг синглим.
Байроқ тилка-пора бўлиши мумкин,
Аmmo учиб кетмас шамолда енгил.
Тилка-пора қилар истибодд мулкин.

Елқининг уфқининг рангига монанд,
Мавжинга ҳавасда океан, денгиз...
Ҳилпира, байроғим, ҳилпира баланд,
Синглим менинг,
Анжела Дэвис!



Умид узди ҳаётдан жангда,
Дайди ўққа учган заҳоти.
Аммо ногоҳ, кутилмаганда
Орден билан қайтди ҳаёти.

Тақдирига шукрона айтиб
Ота бўлди неча жўжага.
Мана, ўша орденни тақиб,
Ўғли ўйнар тупроқ кўчада.

Билимдонлар беради дашном:
«Бу — орденга ҳурматсизлик-ку!»
Парво қилмай гапларга асло,
Секингина кулиб қўяр у:

«Сенга олиб келганман уни,
Ўйна, майли ўчса ҳам туси.
Қайтарди-ку ҳаётга мени,
Сенга ота бўлиш орзуси».

БАХТИМИЗ БОР, ДЎСТГИНАМ

Эмин Усмонга

Мунис тун либосига буркангандир тўрт тараф,
Юлдузларнинг кўзи тўрт: ҳали ойдан йўқ дарак.
Майин сабо эсади майсалар сочин тараб.
Сен йироқда бўлсанг ҳам ўлтирибман йўл қараб.
Ҳаёлларим фол очар бахт ҳақида ушбу дам,
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

Гарчи мен бу қирғоқда, сен — нариги қирғоқда,
Гарчи онанг дийдаси қуригандир фироқда,
Гарчи мунис ёргинанг фироқдан ҳам йироқда,
Умид асло сўнмагай милтиллаган чироқдай:
Ҳозирча чўнтакларда нақдина бўлмаса ҳам,
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

Бу оламда бир юрт бор — камалакдай сержило,
Биз шу юрт фарзандимиз ибтидодан интиҳо.
Қимлар унга кўз тикар, ўзлари ватангадо,
Биз унга ватан излаб тентирамасмиз асло,

Шу ватанни асрамоқ бизга муқаддас қасам,
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

Бир тошқин дарё оқар — Ҳаётдир унинг исми,
Курашдир долгаланган тўлқинларининг изми.
Курашлар тўлқинига ташладик ўзимизни,
Нимага сарф этишни биламиз умримизни.
Наҳотки курашларда бахтли бўлмаса одам!
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

Иўлимиз силлиқ эмас, кўпгина тўсиқлар бор,
Тўсиқларнинг сўнгида мунаввар уфқлар бор,
Уфқларда зангори, муаттар қўшиқлар бор,
Покиза муҳаббат бор, покиза ошиқлар бор...
Ўша уфқлар сари ташласак жадал қадам,
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

Курашларнинг сўнгида бахтимиз турар кулиб,
Биз яшаймиз бир умр у томонга интилиб.
Умримиз етмаса, ё қолсак йўлда йиқилиб,
Авлодларга берамиз курашни мерос қилиб.
Кураш билан тугалдир тугалланмаган олам...
Бахтимиз бор, дўстгинам, бахтимиз бор, дўстгинам.

* * *

Хаёл сафаридан ҳориб қайтаман,
Хумор қўшиқларнинг тутар хумори.
Сўнгра тушларимда қўшиқ айтаман,
Қўшиқлар айтаман, мовий, зангори.

Онам ҳақидадир биринчи қўшиқ:
Сочлари сингари беғубор, ошроқ,
Менинг иқболимдан негадир чўчиб
Қилган орзусидай ҳуркак ва титроқ.

Тупроқ ҳақидадир иккинчи қўшиқ:
Тупроқдай хоксор, майин ва илиқ,
... Одамларга пои ва бойчечак тугиб
Оёғин остига бошин қўйгулик.

Пахта ҳақидадир кейинги қўшиқ:
Пахтадай беминнат, лўппи ва лобар.
Унинг йўлларида қолади уфқ,
Кетади мағрибдан машриққа қадар.

Кейин самоларни солар ларзага
Ўзбекистон дея аталган қўшиқ.
Бахт ҳақида қўшиқ айтаман яна...
Қўшиқларнинг асло ниҳояси йўқ...

Хаёл сафаридан ҳориб қайтаман,
Хумор қўшиқларнинг тутар хумори.
Шунда тушларимда қўшиқ айтаман,
Қўшиқлар айтаман мовий, зангори...

* *
* *

...га

Шамол эсар,
Қучли шамол
Олиб учар қушчани.
Имкон бермас унга шамол
Ўз йўлига учгани.

Тиз чўкишни қилмай хаёл
Қанот қоқади қушча.
Аммо, шамол билмас аёв,
Ёт унга бу тушунча...

У қушчани қўймас асло,
Ғолиб, мағрур кулади.
Қушча таслим бўлмас аммо,
Қанот қоқиб ўлади.

* * *

Ташқарида ғувиллар шамол,
Ташқарига чиққим келади.
Кел, онажон, рухсат бера қол,
Ўксимасин ўғлинг тилаги.

Боқ, дарахтлар қандай тўлғонар,
Кучли шамол қучмиш оламни.
Ташқарига йўллағил, она,
Ташқарига йўлла болангни!

Шамоллар деб қўрқмагил зинҳор,
Хавотир еб қилма кўнглим ғаш.
Ташқарида жўшқин ҳаёт бор,
Ташқарида кураш бор, кураш!

Ўксимасин ўғлинг тилаги,
Онагинам, рухсат бера қол!
Ташқарига чиққим келади,
Ташқарида ғувиллар шамол..

ШОҲИЗИНДА

Мулоқотда бўлиб асрлар билан
Мудрайди беадад сукунат мулки.
Гумбазлари бериб осмонга ранг
Пойтахти туради салобат тўкиб.

Билмайман — бу қаср бори дунёга
Сўзларми бу мулкнинг шон-шуҳратини
Ва ёки ҳар қандай бало-қазодан
Марҳумларнинг руҳи сақларми уни.

* * *

Табиатнинг кўп ғалати хислатлари бор,
Ҳали унинг кўп хислати биз учун жумбоқ.
Қаранг, анов тоғ бошини босиб ётар қор,
Аёзлари бунда бизни тимдалар бироқ.

Табиатнинг хўп ғалати хислатлари кўп,
Номардликка ўхшаб кетар баъзи бирлари:
Бунда қуёш саратонда пуркаганда ўт,
Кўм-кўк бўлиб яшнаб ётар тоғ бағирлари.

* * *

Парда ёпилади,
Саҳна айланади,
Намоён бўлади кўҳна гўристон.
Парда ёпилади,
Саҳна айланади:
Гўристон ўрнида яшнар гулистон.

Саҳна айланади,
Ҳар айланганда —
Ўзга-ўзга даврон бўлади бунёд.
Сенинг хоҳишингсиз айланар саҳна,
Гўё —
 ўзи бир Ер,
Ўзи бир Дунё...

Парда ёпилади,
Айланади саҳна.



Ҳурсандой янгамга

Қишлоққа қайтардим,
Дилда не туйғу...
Соҳилда турарди бир соҳибжамол.
«Хуш келдинг ҳамқишлоқ!» деган каби у
Силкитарди менга дастрўмол.

Қишлоқдан кетардим,
Дилда не туйғу...
Сўнгги бор ортимга боқдим бемажол.
Соҳилда-чи, ўша кўзлари оҳу
Силкитарди яна дастрўмол.

«Хайр!» дедим,
Деди: «Ғапирма ортиқ,
Кетавер, келмоқда анавн шунқор.
Бизда кетганларга «Хайр» дейиш йўқ,
Фақат келганларни кутиб олиш бор...»

БАЛЛАДА

Кеч кирган. Қозонда қайнайди шовла,
Товуқлар қўноққа қўнар бирма-бир.
Панжасини ялаб мушук мнёвлар,
Ҳовлида ўлтирар ёлғиз бир кампир.

У заиф нигоҳин уфққа тикар,
Уфқда — умиддай бир парча шафақ.
Шафақ ҳозир сўниб йўқ бўлиб кетар,
Кампирнинг умиди сўнмайди фақат.

Унинг хаёллари само қадар кенг,
Қуёшсиз самодай қародир улар.
Ҳаммаси, ҳаммаси эсида унинг,
Ҳали қаримаган ўша туйғулар.

Эсида: ёлғизни кузатди жангга
Саратон, пайшанба, нақ туш маҳали.
Тақдирин изминни берди ҳижронга,
Ҳижрон мангулигин билмасди ҳали.

Эсида: бир парча хат-хабар учун
Жсинин берарди сўрсалар агар.
Кутишга айланган вужуди бутун
Ва лекин йўқ эди бир парча хабар.

Ииллардай кечарди ҳар бир дақиқа,
Қунлар имилларди мангулик каби.
Сабот эди она, сабот эди, ҳа,
Фақат кутини эди, кутини — матлаби.

Дарда титраганча ёришарди тонг,
Дарда титраганча қуйиларди кеч...
...Тун қора сочлари оқарди тамом,
Аммо ҳижрон туни ёришмади ҳеч.

Бир йигитнинг умри ўтиб борар, ҳай!
Ҳамон кўзларига нишондир уфқ.
«Ўлмайман, — дейди, — то ўғлим келмагай;
Ўлолмаيمان, — дейди, — ўлолмаيمان, йўқ».

«Ўлолмаيمان», — дейди... Билмайман фақат
Не гуноҳи учун бу машъум жазо.
Раҳминг келсин унга, она табиат,
Борми ўлмасликдан ҳам ортиқ азоб!

• • • • •
• • • • •

Кеч кирган. Қозонда қайнайди шовла,
Товуқлар қўноққа қўшар бирма-бир,
Заиф нигоҳини уфққа боғлаб
Ҳовлида ўлтирар ёлғиз бир кампир.

Умиддай қизарган шафақ ҳам сўнди,
Кампирнинг умиди сўнмагай мангу.
Бир йигитнинг умри ўтипти энди,
Абадият билан баҳс бойлаган у...

* * “

Бир шаҳри азимдурки, бағри унинг осмондир,
Ул бағри осмон шаҳар хўп машҳури жаҳондир.

Бир йигит кетиб борар шул шаҳри азим ичра,
Келажаги ҳали ҳам орзуларда пинҳондир.

Барно дер кўчаларни тўлдириб қизлар ўтса,
Барно эмас у қизлар, балки офатижондир.

Нигоҳлар сайд ахтарар жилвадин ўқлар ясаб,
Пингоҳлар кўн ёмондир, нигоҳлар беомондир.

Йигит ҳам кимларгадир нигоҳидан ўқ отар,
Кимнидир қурбон этар, ўзи кимга қурбондир.

Кўзларида табассум жилвасини кўрганлар
Ҳавас билан боқишар: «На бахтиёр инсондир!»

Ушал одамларга у ҳавасда боқар вале,
Қўзларида табассум, юрагида армондир.

Туғёнларга тор келиб тўлғаниб ётар уммон,
Унинг ҳар бир нафаси уммон-уммон туғёндир.

Машраб, бу не ҳол, дея савол сўрмаиғ, дўстларим,
Сиз замонга бир боқинг, у — толиби замондир.

ҚҰШИҚ

Ҳожихон Болтаева

Оппоқ қор җамма ёқ, оппоқ қор...
Чилла салтанатга минган чоқ.
Олам — юзга кирган оқсоқол,
Беҳол ва мудроқ.

Ёшликда гупирган қондай, бир вақтлар
Тоғлардан отилган дарёлар — ухлар.
Одамлардай инграйдн дарахтлар,
Нажот деб қарсиллар, нажот деб улар.

Чилла салтанатга минган чоқ.
Қуёш ночор кулар: җарорати йўқ.
Аммо муз қаърида бир қўшиқ уйғоқ,
Боладай ўйноқлаб оқар у қўшиқ.

Қофиядай қисар ариқча уни,
Муздан йўлларига қўяди тўсиқ.
Аёз жазавада сочар қаҳрини,
Лекин писанд қилмай оқади қўшиқ.

(У ер юрагидан сизилиб оқар,
Ер юраги эса — қўшиққа тўла.
Унга не-не юрак кўмилгандир ахир
Айтилмаган не-не қўшиғи билан!)

...Беписанд ўйноқлар безавол қўшиқ
Ва ҳаёт улашар у йўл-йўлакай.
У — юз яшар чолнинг қўлидан тутиб,
Етаклаган болакай.

* *
* *

Гулхан дейсан юрагимни сен,
Ишонайин дейман гапиннга.
Лекин унга қаласанг ўтин
Таёқ бўлиб тегади менга.

Дарё дейсан юрагимни сен,
Меҳринг, дўстим, бунчалар ийди!
Лекин унга тошлар отмагин,
Дарёнинг ҳам жони оғриydi.

Осмон дейсан юрагимни сен,
Тиниқ дейсан кўзда ёш қадар.
Булут бўлиб юзин тўсмагин,
Ниятларинг пок бўлса агар.

Мажруҳ дейсан юрагимни сен,
Мужгонларнинг ўқига пишон.

Лекин ўзинг шафқат айлагин,
Қолсин сенинг ўқингдан омон.

Очиқ дейсан юрагимни сен,
Пайҳон қилма энди уни, бас!
Дўстим, ахир, менинг юрагим
Бедарвоза томорқа эмас.

ЯНГИ ЙИЛ ҚАДАҲИ

Янги йилдан умидимиз катта,
Тахи бузилмаган орзулар қат-қат.
Энг аввало деймиз: мўл бўлсин пахта,
Ризқу рўз бут бўлсин, бутун бўлсин бахт.

Тинчлик бўлсин деймиз, дилбар бўлсин қўшиқ,
Бомбамас, кулгидан титрасин замин.
Тиниқ бўлсин деймиз, ёрқин бўлсин уфқ.
Ва яхши одамлар бахтсиз бўлмасин.

Дўстларга омонлик тилаймиз бу дам,
Ёмон соғинамиз душманга.
Ғофиллар уйғонсин деймиз уйқудан,
Қўш зафар тилаймиз зафар қучганга.

Юракларда орзу-тилаклар тўла,
Барини сўзлаймиз навбатма-навбат.
Фақат битта тилак айтилмай қолар,
Ифодага сиғмас бир тилак фақат.

У — тонгдай покиза, эркдай муқаддас,
Ҳали ёзилмаган шеърдай арзанда.
У гўё танга жон, жон учун — нафас,
У гўё одамнинг ёлғиз фарзанди...

...Юраклар измдан чиқса ҳам майли,
Эй соқий гулбадан, яна бир май сун.
Дўстлар, бир қадаҳдан яна нчайлик,
Айтилмасдан қолган тилаклар учун!

* * *

Гулзорда сайрайди булбул тун бўйи,
Тун бўйи оқади бир дардли хониш.
Мудроқ туйғуларни уйғотар куйи,
Оҳанги танишу тили нотаниш.

Бошларни иргаймиз, бир тавсиф излаб,
— Мунчалар ёқимли бу наво! — деймиз.
Кейин катталарнинг гапини эслаб
— Гулдан гулга қўнган бевафо! — деймиз.

Гулдан гулга қўниб бардош тилайди,
Туннинг йироқлигин сўйлайди булбул.
Она бўлиб гуллар бошин силайди,
Буюк тонг қўшиғин куйлайди булбул.

Тун борки — бечора сайрайди тинмай,
— Тонг! — дея нолада ўтказар тунни.
Биз эса тилини таржима қилмай —
Нелар деб гуноҳкор қилмаймиз уни.

* * *

Миртемир домлага

— Қиприкларим! — дейди кўз ҳар дам,
— Қиприкларим! — дейди у такрор.
Асрар мени деб балолардан
— Қиприкларим! — дея миннатдор.

Ундан меҳр эмиб, нур эмиб
Қиприклари ростлар қаддини.
Унинг ёшларида чўмилиб
Кўз-кўз қилар малоҳатини.

Осмонда юлдузлар тўладир,
Сочилгандир бодроқдай қийғоч.
Уларнинг ҳоли не бўладир,
Ёғдирмаса нурини қуёш?

Қуёшдай буюк ва беминнат
Кўз бўлмаса киприklar қайда!

У ёғар ҳаёт ва ҳарорат
Киприкларга олқишлар айта!

...Киприкларнинг бахти зиёда —
Умри боқий бўлса унинг бас.
Бу сирларга тўла дунёда
Киприксиз кўзлар ҳам оз эмас.

* * *

Неча миллионлаб йиллардан оша,
Неча миллионлаб йил чекиб фиғон,
Ошиғин излаб кўкда ой яшар,
Ошиғин тополмай ранги заъфарон.

У кимни излайди — айтолмайман мен,
Ким ҳам айтоларди тангридан бўлак!
Кўп одам билмайди нима исташин,
Бўйсунмайди кўпам ақлга юрак.

Осмонда сочилган юлдузлар эмас,
Ойнинг алам тўла кўз ёшларидир,
Унинг ҳасратлари бизни қилар маст,
Унинг соғинчидан мунаввардир Ер.

У излар... Гоҳида бўй етган қиздай,
Гоҳо дардларидан оғир оёқ, ҳа!

Гоҳо умид узиб бекинар кўздан,
Яна чидай олмай чиқади йўлга.

Бу ҳол такрорланар азалдан, аммо,
Ўзга ақида бор одам наслида:
«Ойнинг ўн беш кунп ёруғ доимо,
Қоронгудир ўн беш кунп аслида...»

* * *

Деразадан мўралар ой,
Ёғдуси тошқин-тошқин!
«Келгин, кулбангни ёритай,
Деразангни бир очгин».

Иззати нафс қўймас бир зум,
Нур сўрашга фалакдан.
Ахир кулбамни мен ўзим
Ёритай деб ҳалакман.

* * *

Оҳу тоғлар аро нима излайди?
Оҳу тоғлар аро мунча жонҳалак?
Нега кўзларида армон йиғлайди,
Нега кўзларида ғусса жонсарак?

Оҳу тоғлар аро мунча серҳадик?
Тоғлар-ку «ўз уйи — ўлан тўшаги».
Биронта кушанда агар келса тик
Қочса, туёғидан шамол кўчади!

Оҳу, табиатнинг нодир ижоди!
Шўрлик, таҳликага маҳкум ҳар куни.
Пинҳон ўқдан қочиб кечар ҳаёти
Ва лекин ўшал ўқ топади уни.

Шундан, кўзларида ғусса йиғлайди,
Шундан, кўзларида қотган армони.
...Оҳу тоғлар аро ором излайди,
Пинҳона ўқ эрур унинг ором!

ОТА АЛЛАСИ

Марваридга

Сен ҳали ухлагин, ухла қизалоқ,
Ун уч куликкина ёшдасан ҳали.
Сендан ҳали йироқ, жуда ҳам йироқ
Сергалва дунёнинг ташвиш, ишлари.

Сен на бир куласан, на гап биласан,
Ягона билганинг йиғидир бу дам.
(Мунча тез ўрганар йиғлашга инсон,
Ўрганар туғилган кунидан!)

Сен ухла,
Ҳозирча ухлаш сенга тан,
Сенинг истиқболнинг қайғуси — бизга.
Мана, ўлтирибмиз мен билан онанг,
Ҳали ёрилмаган бошгинанг узра.

Мен сенга ойдин йўл ваъда қилмайман,
Ўз йўлини ўзи ёритар ҳар ким.

Сен фақат улғайгин, фақат улғайгин,
Кўзларингда ёнсин баҳорги чақин.

Мен сенга бахтни ҳам ваъда қилмайман,
Бахт ахир курашлар сўнгидаги гап.
Сен фақат улғайгин, фақат улғайгин,
Умринг курашларни ўтмасин четлаб.

Сен ҳали билмайсан, бу олам аро
Қамалакдай рангдор юрт борлигини.
Унинг нигоҳларга қутқу солароқ
Ўзбекистон дея номдорлигини.

Сен ҳали билмайсан — бу олам аро
Бир халқ бор — меҳнаткаш, ҳалол, покиза,
Бизнинг ҳаётимиз шу халққа фидо,
Қўшиқларимиз ҳам шу халқ ҳақида.

Сен ҳали билмайсан — бу кўҳна дунё
Ажрим қилинмаган ўлжадай талаш.
Гоҳ маслак баҳона, жиғилдон гоҳо,
Гоҳида — бариси аралаш.

— Она! — дейсан ҳали тилинг чиққан кун,
— Нон! — дейсан қўлингни чўзганча, гўдак.
Сен ҳали билмайсан, шу она учун
Ва ҳалол нон учун курашиш керак.

Бир кун муҳаббатга бўласан тутқун,
Бир кун сархуш этар бир бойлам чечак.
Қатта муҳаббатнинг соғлиги учун,
Бир бойлам гул учун курашиш керак.

Вужудинг эгаллар яна бир туйғу,
Шу туйғуда тепар бир умр юрак.
Ватан туйғуси бу, олий туйғу бу,
Ватан учун яшаш, курашиш керак.

Ҳали ечилмоққа муҳтож кўп тугун,
Ечилиши эса осон гап эмас...
Курашларда чалғиб кетмаслик учун
Сен фақат даврингга фарзанд бўлсанг бас.

Уфқда ловуллаб ёнар бир ёлқин,
Ўша ёлқин сари талпинар дунё.
Сен ҳам улғайгину, уфққа талпин,
Ўша ёлқинни эт юрагингга жо.

Ўша ёлқин бўлсин умрингга безак,
Ўзинг ён, ўзгалар юрагини ёқ...
...Лекин, энг аввало улғайиш керак,
Сен ухла,
Омон бўл,
Ўлғай, қизалоқ.

* * *

Табиат ёз кунни кўкламлик қилди,
Болалик қилгандай қап-катта одам.
Гулдирак замбарак бўлиб отилди,
Қуёшмас, чақмоқдан чақнади олам.

Бу ҳолат бир зумда ўтди-кетди-ю,
Ундан биронта из қолмади, дема.
Қимларга завқу шавқ бериб кетди у
Ва яна кимларга даҳшат, ваҳима...

РИВОЯТ

Бир бор экан, бир йўқ экан,
Қадим-қадим замонда,
Балки магриб томондадир,
Балки машриқ томонда:

I

Утган экан бир давлатманд
Даври-даврони билан.
Ушалган ва ушалмаган
Истак-армони билан.
Давлатининг довруғига
Етти олам тор экан.
Лекин унинг хўп аломат
Қилиқлари бор экан.
Отлар ҳуркиб савлатидан
Кўчада юганда у,

Бошқа одам бўлар экан
Уйига кирганда у.
Емас экан, ичмас экан,
Йиғаркан молу дунё.
Қиймас экан ҳеч нарсани
Болаларига ҳатто.
Болалари қорни очиб
Овқат сўраса агар,
У дер экан: «Сиз тўқсиз-ку,
Тўқмиз денглар, болалар!»
Болалари юрар экан
Жанда-жуанда кийимда.
У дер экан: «Етолмайди
Ҳеч ким бундай буюмга!»
Болалари кўча томон
Босолмас экан қадам.
У дер экан: «Кўз тегади,
Ҳасадгўй ҳамма одам!»
Муштлашишар экан охир
Жиги-бийрон болалар.
У дер экан: «Сиз иноқсиз,
Ака-ука, биродар!»
Шу тариқа турмуш билан
Ойлар, йиллар кечибди.
Унинг барча қилиқлари
Болаларга кўчибди...

II

Болалари бир кун кўрса,
Улиб ётган эмиш у.
«Ҳаёт мангу» деган каби
Кулиб ётган эмиш у.
«Яшаяпти отамиз!» деб
Жар солибди болалар.
Ва илк бора кўча томон
Йўл олибди болалар.
Кўчаларда исқирт, юпун
Тентирашибди роса.
«Кийимимиз башанг!» дея
Солишибди овоза.
Одамларнинг кийимини
Кўриб улар кулармиш.
Ҳамма исқирт, ҳамма фақир,
Камбағал туюлармиш.
Емай-ичмай не бўларди,
Тинкалари қуриган.
«Тўқмиз!» дея жар солармиш
Бор овозлари билан.
Муштлашишар, бир-бирининг
Гўштини ейишармиш.
Ҳайрон турган одамларга
«Биз — иноқ!» дейишармиш.
«Отамизнинг умри каби
Умримиз узун бўлар,

Уни бахтга чулғаймиз!» деб
Қичқирар эмиш улар.
Хуллас калом, бир саргузашт —
Ажойибу ғаройиб.
Уларни зўр афсус билан
Кузатармиш халойиқ:
Йиллаб сингган бу қилиқлар
Ахир табиатига,
Энди қулоқ солишарми
Ўзгаларининг гапига!
Шўрликларининг ҳоли маълум,
Тугаб борар кунлари.
Тезда «Ҳаёт—мангу!» бўлар
Оталари сингари.

* * *

Ривоятим битди энди
Тутманг мени саволга.
Қандай ҳисса чиқарасиз —
Ўзингизга ҳавола.

* * *

Қизалоқ эди у жажжи ва ширин,
Қийғоч киприклари умридай узун.
Хали билмас эди ҳаёт пелигин,
Яшар эди ота-онаси учун.

Пилларга тирмашиб ўсаверди у,
Хуснига қўшилди тобора ҳусн.
Секин ўзлигини таниб олди-ю,
Яшашга бошлади у ўзи учун.

Кейин... она бўлди. Ўзини унутди,
Парвона бир парча этга туну кун.
Шу жажжи гўдаги унга ҳаётдир,
У энди яшайди фарзанди учун.

* * *

Йўлларимда кўзлари тўрт,
Кўзлари тўрт, онажон!
Дориломон кунларни кут,
Кунларни кут, онажон!
Заққумларнинг пинҳона ют,
Пинҳона ют, онажон!
Нодўстларни этма хушнуд,
Этма хушнуд, онажон!

Уғлинг бу кун толиби юрт,
Толиби юрт, онажон!
Қорни ҳам тўқ, усти ҳам бут,
Усти ҳам бут, онажон!
Юрар гоҳ худ, гоҳо бехуд,
Гоҳо бехуд, онажон!
Лов-лов ёнар кўксида ўт,
Кўксида ўт, онажон!
Орзулари кўкда бургут,
Кўкда бургут, онажон!

Ушаларми, йўқми ёхуд
Пўқми ёхуд, онажон?

Ўзбекистон мисли ёқут,
Мисли ёқут, онажон,
Нигоҳларга қалайди ўт,
Қалайди ўт, онажон!

Унга фидо жону вужуд,
Жону вужуд, онажон!
Пўқса ҳаром сен берган сут,
Сен берган сут, онажон!

Саф боради. Саф беҳудуд,
Саф беҳудуд, онажон!
Улуғ сафда қўлимдан тут,
Қўлимдан тут, онажон!

Дийдоримдан узма умид,
Узма умид, онажон!
Армонларинг бўлар унут,
Бўлар унут, онажон!

Пўлларимда кўзлари тўрт,
Кўзлари тўрт, онажон,
Дориломон кунларни кут,
Кунларни кут, онажон!

ОНАМГА ХАТ

Онагинам, бедор боқиб юлдуз тўла самоларга,
Соғинчимни, саломимни сўзлагайман саболарга.

Тонг нурига беланганча юмганда ҳам тун кўзини,
Мен бедорман, бедорликда дарс бергайман дарёларга.

Кучоғингда бахтинг бўлиб тўлсам деган гўдагингман,
Кўзларинг бир тўйса дейман рангин-рангин жилоларга.

Ғамим чекма юрагини ўғирлатиб қўймаса деб,
Муҳаббат деб топинмасман мен дуч келган рўёларга.

Келар ҳали дуоларинг ижобатга ўтажак кун,
Нуқта бўлиб боргум албат кўксингдаги нидоларга.

Саломимни етказгайсан юзларига шамол пардоз
Пахта гардин сурма қилган барча нозик адоларга.

Бу нотугал қўшиқ учун афв айлагил Машрабингни,
Соғинчиму муҳаббатим сиғмас ахир ҳижоларга.

* * *

Қўшиғим, булоққа ўхшасанг,
Сенга атаб ёзсалар қўшиқ.
Бўйингда ёш қизлар ухласа,
Сўнг уйғониб сўзласа тушин.

Яқинингдан ўтган ҳар одам
Сенга боқиб кўrsa ўзини.
Бир нафас ўлтириб олса дам,
Ҳузур қилиб чайса юзини.

Баданин чанг босганлар келиб
Чўмилсалар майли, айб эмас.
Фақат сени қадамжой билиб —
Танга ташлаб кетмасалар бас!

* * *

(Манзара)

Булут бир дам кўз ёш тўкади, бироқ,
Бетайин шамолдан қочиб кетар ул.
Қизнинг ўйларидай тебранар чироқ,
Занф хотирадай ёрншади йўл.

Олтин балдоқларин тақиб бўйнига
Мажнунтол ирмоқдан сўрар баҳосин.
Очиқ деразадан ёғду ўрнига
Таралар роялнинг хазин навоси.

Тўлқинлар тангага ушалмиш, қаранг,
Совуқда жунжикар юлдуз учқуни.
Анҳорнинг устида ётар кўндаланг
Ёлғизоёқ бўлиб оининг устунни.

Шу йўлдан уйинга қайтаман оқшом,
Қалбимда салқин бир ҳиссиёт тўла.
Ҳисларимга бермоқ бўлади ором
Қўшнининг уйдан таралган шуъла.

* * *

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Ойдин зулумотда жилмаяр баҳор.
Гул бўлиб очилар баргдаги тугун,
Анҳорда салқин бир эҳтирос оқар.

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Юксақда юлдузлар ваъда қилар бахт.
Бировга қоқилиб кетмаслик учун
Авайлаб эгасин излар муҳаббат.

Ором оғушида дилрабо бу тун:
Майсаларга алла айтади сабо.
Соҳилда — мажнунтол, қомати дуркун,
Бир боққил дегандай қилар илтижо.

Ором оғушида бу тун дилрабо —
Узи ҳам билмайди не сирга тўлди.
Уни эҳтиётсиз шарпадан ногоҳ
Бир кимса чўчитиб қўймаса бўлди...

БАҲОР

(Этюдлар)

I

Энди куртак элас-элас
Кўз очар нур эмгали.
Ҳали шамол — шамол эмас,
Дилкаш сабо у ҳали.

II

Талпинади юрак бетин,
Ойдин ғуссага тўла.
Баҳор — ҳали бу ишқлигин
Билмайдиган қиз бола.

III

Кенгликларда лола мавжи,
Бутун уфқ алвондир.
Бу — эрк учун, ҳаёт учун
Қўзғалган аломондир.

* *
* * *

Баҳор жуда уддабурро,
Саранжом ва саришта.
Билмагани йўқдир асло,
Қўли гулдир ҳар ишда.

Гўё синфи унинг олам,
У эса навбатчи қиз,
Роса ювар ёмғир билан
Ва қуритар ўша кез.

Осмон гўё сингилчаси,
Эркалатиб, суяди.
Камалакдан лента ясаб
Унга тақиб қўяди.

У музларнинг тағларида
Бойчечаклар ундирар.
Ариқларнинг лабларига
Ялпизларни қўндирар.

У келинлик либосини
Ҳады этар боғларга.
Ва қизларнинг ибосини
Олиб кетар тоғларга.

Кўкка қараб олиб қочар
Болаларнинг варрагин,
Варрак қилиб ҳаволатар
Успириннинг юрагин.

Баҳор шундай уддабурро,
Саранжом ва саришта.
Билмагани йўқдир асло,
Қўли гулдир ҳар ишда.

Лекин уни мўмин-қобил
Экан дея ўйламанг.
Гоҳо бўлар у баджаҳл
Таъби хуфтон ва тажанг.

У бир наъра тортса агар
Титраб кетади замин.
Кўкни тилка-тилка этар
Кўзларидаги чақин.

Кўз юмади бор нарсадан,
Нафратин ўқ қилади.

Ниманики бунёд этган —
Бир зумда йўқ қилади.

Баҳор шундай. Сахий, танти,
Сержилва, сернашида.
Аммо қаҳри... гоят қаттиқ,
Тега кўрманг ғашига!

ШОИР ҚАБРИДА

Шоир ё севгида бахтсиз бўлган, ё,
Уни шоир қилган бахтсиз муҳаббат.
Бир ошиқ севганча севгану, аммо,
Муносиб вафони кўрмаган фақат.

Унга атагандир бир олам қўшиқ,
Юрак қони билан битгандир дoston.
Шамолдай сарсарни елгану жўшиб,
Умри ўтган ҳажр даштида сарсон.

Шундан — дунёга ўт қўйишга қодир
Оҳли нафасидан сачраган учқун.
...Наъраси оламини титратган шоир
Сукунат мулкига фуқаро бу кун.

Совуқ, салобатли мрамор кошона
Унинг учун энди мангулик макон.
Бир офатижон деб чекарди нола,
Энди нола чекар бир офатижон.

Кўз ёши томади эринмай чак-чак,
Томчилар мраммарни эритмоқ бўлар.
Супада бир бойлам паришон чечак,
Унсиз кезиб юрар ғариб туйғулар.

Қабр тошларини қучиб бемажол,
Тўлиб-тўлиб йиғлар у офатижон.
Шоир руҳи сўрар вафодан савол,
Шеърга садоқатин айлар имтиҳон.

Офатижон эса беҳол ва беун
Кечиккан ишқини айлайди нзҳор.
Барча бевафолар номидан бугун
Уэр сўраб йиғлар ёлғиз вафодор.

* * *

Сув бўйида ўлтирма узоқ,
Сенга ҳамдард бўлолмайди сув.
Айтмас тушнинг таъбирин, бироқ,
Ҳисларингни олиб кетар у.

Сув бўйида ўй сурма, етар,
Сувга оқиб кетмасин ўйлар.
Ўйларингда ўтмишинг ётар,
Ўтмишингни оқизиб қўйма.

Сеҳр айлаб сени у маккор,
Орзуларинг олиб кетмасин.
Орзуларда келажагинг бор,
Келажагинг оқиб кетмасин.

ҚИЗЛАР

(Ҳазил)

Кўзларида мақрдан сурма,
Лабларида табассум бўёғи,
Бошларида жумбоқли турмак,
Қалбларида муҳаббат булоғи.

Қимшидир кўз остига олиб
Найранг билан ханда қилади.
Сувдан олиб, сўнг ўтга солиб,
Охир уни банди қилади.

Сўнг тошса ҳам ҳислар тошқини,
Туғёнлар қилса ҳам юраги,
Гўёки тап олмай ишқини,
Кўйида куйдириб юради.

Бош қўяди йигит кўксига,
Итоаткор, сўлим лоладек.
Сўнгра эса уни ўзига
Итоаткор қилиб олади.

Бахш этади ширин туйғулар,
Ғазаби ҳам ширин бўлади.
Ширин бўлиб алдайди улар,
Ширин бўлиб зулм қилади.

Асрлар ўтади қалашиб,
Тушунмаймиз улар хулқига.
Ҳамоно юрамиз адашиб
Уларнинг жумбоқлар мулкида.

Муҳаббати, макри учун ҳам
Уларга жонимиз берамиз.
Уларни шу туриши билан
Севамиз, севамиз, севамиз!

* * *

Кўзларим кўзларинг қасдида,
Кўзларинг бегона этмагин.
Мен сенинг қулнингман аслида,
Мен сени севаман, тентагим.

Банд этиб кўнглимнинг кўшкени
Сен менга қиласан адолар.
Ва лекин сочларинг мушкени
Ўғирлаб кетади саболар.

Висолга етолмас тоабод,
Қошларинг ораси гар яқин.
Қошлардай қилмагин дуобод,
Сен мени йнглашиб қўймагин.

Кўзларинг — оламга зиёдир,
Баҳорлар уйғонур жилмайсанг.
Кўйингда ким-кимлар гадодир,
Сен буни билмайсан, билмайсан.

Бепарво бўлмасанг мунча ҳам!
Дилбарлик касб этиш шу қадар!
Пайингда жудаям кўп одам,
Кўз тегиб қолмасин, алҳазар!

Ҳисларим йўлингда поёндоз,
Ҳисларим тепкилаб кетмагин.
Ҳисларим йўлингда сўйлар роз:
Мен сени ссваман, тентагим!

* *
* * *

Эътиборга муҳтождир кўп қиз,
Қизлардан ҳам фитнесчилар кўп.
Мен кутаман ўзингни ёлғиз,
Яхши-ёмон назардан қўрқиб.

Ҳозир куннинг шафағи ўчгай,
Ғира-шира, кўз илғамас кез.
Яхши-ёмон назарга учмай,
Кел, кириб ол хаёлимга тез.

* * *

Умрим узоқ бўлар,
Сезиб турар кўнгил.

Асқад Мухтор

Умрим узоқ бўлар менинг ҳам,
Кўзим очиқ кетмас оламдан.
Не-не умид узилгани дам
«Худо қайтиб берган» одамман.

Сочилгандир ҳар ерда ризқим,
Териб ерман барини бир-бир.
Кимдир бўлар вафоли дўстим,
Хундор ёвим бўлади кимдир.

Йўлларимда не-не муаммо,
Не-не сурон, не хавфу хатар.
Тақдиримда гулшанлар аро
Не курашлар қалашиб ётар!

Ҳали олис ўшал қутлуғ кун,
Парвозингни баланд ол, юрак!
Курашларда енгмоғим учун
Узоқ умр кўрмоғим керак.

ЖАВДАР

(Эдуардас Межелайтисдан)

— Литва...

...Битта жавдар уруғ қадалди ерга,
Ерга тушди миттигина жавдари қуёш...

Музни ёриб қуёш сари чўзади у бош
Ва нон бўлиб дастурхонни безайди эрта.

Қайсарликда фарқ қилмайди феъли феълимдан.
Нордон тотли нони эса асалдан ширин.
Эгизакдир тақдирига менинг тақдирим,
Ухшар унга ҳатто жавдар табиатим ҳам.

— Литва...

Қанча харобазор, саҳро, қабристон,
Қовжираган бутазорлар, четанлар аро —
Баҳорларнинг шарбатига тўйинган, барно,
Олтин суви югуртилган ушоққина дон,
Нигоҳларнинг чанқоғига бўлади даво...
Мен унга ҳам Литва дея беражакман ном.

— Литва...

Мунча ушоқ ахир бу жавдари нур,
Қўзчалари унинг жовдирамаса!
Мунча титраб-қақшамаса, довдирамаса!
Қани, қўрқма, бўталоғим! Тур ўрнингдан, тур.
Тур ўрнингдан, олавергин бемалол нафас.
Асрагум мен сени аср шамолларидан.
Қўлларимнинг қудратига инонгин, эркам.
Бу нарсалар жуда оддий, оддий ҳам эмас...

— Литва...

Мана, ўша доннинг юраги урар.
Алп пояси аста-секин бошоқ бўлади.
Унинг зангор овозига дала тўлади,
Танасида ҳам зангори бир қон югурар.

Навда ўсар, жавдар ўсар, ўсар умид ҳам...
Энди донлар бошоқларнинг бўйнига каманд,
Бир-бирига елка тутиб юксалар баланд...

...Иккимиз ҳам шундай қилиб улғайдик,
Литвам...

* *
*

Тушларимга кирар бир чаман,
Яшнар унда фасли муҳаббат.
Шу чаманда мен ҳам етаман
Суйганимнинг васлига албат.

Тушларимга кирар бир гўша —
Бахтга тўла сирли бир олам.
Бахтим менга тутадн бўса,
Дудоғидан ўпаман мен ҳам.

Тушларимга кирар бир гулхан,
Унда кулга айланар рнѐ.
Унинг захри ва тутундан
Қора чодир княди само.

Тушларимга кирар бир уфқ,
Орзум бўлиб имлайди мени.
Инъомини қўлимга тутиб,
Пойим узра қўяр бошини.

Тушларимга кирар бир баҳор,
Минг бир рангда товланиб, ёниб,
Шу баҳорга чулғаниб ётар
Менинг она Ўзбекистоним...

Тушларим... гоҳ қилади хумор,
Тушларимни гоҳ соғинаман...
Тушларимга киради баҳор...
Тушларимга киради чаман...

* *
* *

Хаёлимда доимо баҳорнинг хуш сурати,
Баҳор ҳатто ҳар оқшом тушларимга киради.
Гарчи қишнинг чилласи — атрофим ошноқ қордир,
Хаёлимда қулф уриб яшнаётган баҳордир.
Гарчи куздир, хазонлар ҳаётга айтар видо,
Хаёлимда баҳордир — ҳаёт каби сержило.
Гарчи тириклик учун шарбат йиғар саратон,
Хаёлимда — тириклик уйғонгувчи жараён.
Жонсарақ куртакнинг кўз очганин кўрмоқ ҳавас,
Туйғуларнинг, рангларнинг тошқинин кўрмоқ ҳавас...
Мен ўзимни туйғулар гирдобига ташлайман.
Баҳорда ҳам баҳорнинг ишқи билан яшайман.

* * *

Қаддин баланд тутиб,
Юксакка интилиб,
Қуёшда товланиб
 ял-ял ёнар байроқ.
Уйни олиб қочар,
Гоҳо тугён уриб,
Гоҳ майин қилпирар,
 Гоҳ тўлғонар байроқ.

— Юракмисан, — дейман, —
 Мунча ороминг йўқ,
Қайларга чорлайсан,
 Ундайсан неларга?!

— Ҳа,
Мен юракман, — дер, —
 Мени баландроқ тут,
Юрагингни кўрсат
 Барча элларга...
— Ҳа,

* * *

Бу оқшом кўзларинг сингари теран,
Сочларинг сингари мулойим.
Бу оқшом ўзингдай эрка ва беғам,
Ҳам ўзингдай оромга мойил.
Бу оқшом нафасинг сингари илиқ,
Бўсангдай оловли, табаррук.
Бу оқшом ўзингдай суйгулик,
Симириб қўйгулик,
Тасаддуқ!
Бу оқшом васлингдай ҳаётбахш, қисқа,
Ҳажрингдай беадоқ, беадад.
Бу оқшом ўзингдай оромжон ва
Узингдай беаёв,
Бешафқат.
Бу оқшом кўчангда илк бор тентираб
Юрган кунимданоқ муқаррар.
Бу оқшом —
Ҳар оқшом каби сен билан...
Сенинг ёдинг билан мунаввар.

* * *

Термуласан кимнинг йўлига,
Шахло кўзлар кимга интизор?
Ташна, маъсум қалбинг тўрида —
Айт-чи гўзал,
Қимнинг ишқи бор?

...Кўз тутганинг,
Шунча кутганинг
Қолармикан ёнингда тамом?
Ё қисқами висол муҳлати,
У этарми йўлида давом?

Узр сўраб қўяй олдиндан,
Гапларимдан сен хафа бўлма.
Олиб қолма уни олдингда,
Давом этсин —
Майлига
Йўлда...

Висол дами оз бўлсин, майли,
Майли,
Урган ҳижронда,
Аmmo,
Фақат сенинг васлинг туфайли
Йўли тугаб қолса-чи,
Ёмон...

Сен
Йўлининг охири бўлма....

* * *

(Этюд)

Юксакликка қараб ўрмалайдн йўл,
Мен ҳам ўрмалайман унга эргашиб.
Эгилиб, буралиб кўтарилар ул.
Борар тўқсон яшар чолдай энгашиб.

Юксакликдан ортга боқаман энди:
Йўл ўзгача тамом, чарчоқ унга ёт.
Боладай ўйноқлаб югурар, мени —
Юксакликка олиб чиққанига шод.

МУНДАРИЖА

«Кўча кезар эдим...»	3
«Бир парча ер...»	4
Анжела Дэвис	7
«Умид узди...»	9
Бахтимиз бор, дўстгинам	10
«Ҳаёл сафаридан ҳориб...»	12
«Шамол эсар...»	14
«Ташқарида ғувиллар шамол...»	15
Шоҳизинда	16
«Табнатнинг кўп ғалати...»	17
«Парда ёпилади...»	18
«Қишлоққа қайтардим...»	20
Баллада	21
«Бир шаҳри азимдурки...»	24
Қушиқ	26
«Гулхан дейсан юрагимни сен...»	28
Янги йил қадаҳи	30
«Гулзорда сайрайди булбул...»	32
«Қиприklarим дейди...»	33
«Неча миллионлаб йиллардан оша...»	35
«Деразадан мўралар ой...»	37
«Оҳу тоғлар аро...»	38
Ота алласи	39
«Табнат ёв кунн...»	42

Ривоят	43
«Қизалоқ эди у...»	47
«Йўлларимда кўзлари тўрт...»	48
Онамга хат	50
«Кўшиғим, булоққа ўхшасанг...»	51
«Булут бир дам кўз ёш тўкади...»	52
«Ором оғушида...»	53
Баҳор	54
«Баҳор жуда уддабурро...»	55
Шоир қабрида	58
«Сув бўйида ўлтирма узоқ...»	60
Қизлар	61
«Кўзларим кўзларинг қасдида...»	63
«Эътиборга муҳтождир кўп қиз...»	65
«Умрим узоқ бўлар...»	66
Жавдар	67
«Тушларимга кирар...»	69
«Хаёлимда доимо...»	71
«Қаддин баланд тутиб...»	72
«Бу оқшом...»	74
«Термуласан...»	75
«Юксакликка қараб...»	77

На узбекском языке

МАШРАБ БАБАЕВ

Весеннее настроение

СТИХИ

Редактор Рауф Парфи
Рассом Г. Фролов
Расмлар редактори Н. Холиқов
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор Ш. Софирова

Босмахонага берилди 21/IX—73 й. Босишга
рухсат этилди. 11/XII—73 й. Формати
60x90/32. Босма л. 2,5. Шартли босма л. 2,5.
Нашр. л. 1,6. Р. 11414. Тиражи 10000. Гафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартно-
ма № 86-73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг
нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари бўйича Давлат комитетининг Век-
обод шаҳри босмахонасида 1-қоғозга босил-
ди. 1974 йил. Заказ № 78. Баҳоси 20 т.